



# ISHOLESN

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 24 октябрь, чоршанба № 166 (1180)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

## УКРАИНА ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СОВФАСИ

Тошкентда жойлашган Т.Шевченко номидаги 110-мактаб-лицейда Украина Президенти Леонид Кучма томонидан совга қилинган янги компьютер синфининг тақдирот маросими бўлиб ўтди. 2000 йил сентябр ойида Л.Кучма ўзининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида мазкур мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари билан учрашиб, илм даргоҳига бир неча энг замонавий компьютер совга қилишга ваъда берганди. Орадан кўп ўтмай, Украина раҳбари ўз сўзининг устидан чиқди.

Синфга ўрнатилган компьютерлар, принтер ва сканерларнинг умумий қиймати ўн миллион сўмдан ошиб кетади. Бундан ташқари, яқин вақт ичида мазкур компьютер синфини Интернет тармоғига улаш ҳам режалаштирилмоқда. Бу мактаб ўқувчиларининг дунё ахборот тизимига улашиши ва ўзининг хориждаги, айниқса, украиналик дўстлари билан янада яқин алоқалар ўрнатишига хизмат қилади.

Хозирги кунда 110-мактаб-лицейда 2700 нафар ўқувчи таълим олмақда. У нафақат пойтахт, балки Ўзбекистон миқёсида ҳам энг намунали ва нуфузли таълим даргоҳларидан бири ҳисобланади. Ўқувчилар мунтазам равишда турли мусобақа ва олимпиадаларда энг юқори ўринларни эгаллаб келяпти. Айни шунинг учун ҳам унинг битирувчилари нафақат Ўзбекистон, балки дунё миқёсидаги энг обрўли олий ўқув юртларида тахсил олмақда.

Тақдирот маросимида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Р.Жўраев, Украинанинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А.Касьяненко сўзга чиқиб, Л.Кучманинг совғаси икки давлат ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга, ўзаро ҳамкорликнинг янада ривожланишига хизмат қилишини таъкидлади.

(ЎЗА)



Наманган шаҳридаги «Аснам Текстиль» масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбек-Турк қўшма корхонаси иш бошлаганига олти йил тўлди. Пахта толасидан йиғирилган иглари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона 4100 тонна пахтадан қайта ишлаш қувватига эга. 2001 йилнинг тўққиз ойида эса 1 миллион 860 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 850 минг

АҚШ долларига тенг қисми хорижга сотилди. Айни пайтда корхонада 550 нафар ишчи-хизматчилар меҳнат қилади. Уларга уч маҳалдан бепул иссиқ овқат, ишга келиб, кетишлари учун транспорт хизмати ташкил этилган.

Суратда: ип йиғирувчи Моҳира Усмонова. Т.ХАМРОҚУЛОВ олган сурат.

## «ИНТЕРНЕТ-КАФЕ» ИШ БОШЛАДИ

Замонавий алоқа хизматини янада яхшилаш мақсадида Нуқусда «Ўзбек-интертелеком» компаниясининг филиали очилди.

Эндиликда Интернет орқали дунёнинг исталган мамлакатни ёки шаҳри билан тезкор алоқа боғлаш имконияти тўғрисида. Энг муҳими, Қорақалпоғистонда ишлаб чиқарилаётган халқ ҳўжалик маҳсулотларини жаҳон бозорида реклама қилиш, тадбиркорлар ўзлари учун муҳим маълумотларни олиши учун қулайлик яратилди.

Мазкур «Интернет-кафе»га ташриф буюрган киши электрон почта, компьютер, нусха кўчириш ва телефакс хизматидан фойдаланиши мумкин. Бу ерда мижозларга кўрсатилаётган хизмат ҳақи анча арзон. Шу тўғрисида «Интернет-кафе» фаолиятдан, айниқса, олий ўқув юртларининг талабалари мамнун бўлмоқда.

(ЎЗА)

## МАҲАЛЛАДА КЛУБ

ижтимоий сўров ўтказилгандан сўнг пайдо бўлди. Сўровда иштирок этган маҳалла аҳли наркомания ва ичкиликбозликка қарши кураш долзарб вазифа эканлигини қайд этишди. Ушбу лойиҳа Хоразм вилоятида Американинг Каунтерпарт Консорциум халқаро жамғармаси томонидан ажратилаётган грантлар асосида қатор ижтимоий дастурларни амалга ошириш учун ташкил этилган вилоят фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш маркази ёрдамида ишлаб чиқилди.

Лойиҳада турли тадбирларни, хусусан, мавзуга оид учрашувлар, мунозаралар, «Маҳалла ёшлари - соғлом турмуш тарзи учун» шiori остида спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш кўзда тутилган, - дейди «Ёшларни қўллаб-қувватлаш жамияти» раҳбари ва янги ёшлар клуби директори Б.Шукуров. - Шу билан бирга, наркоманиянинг олдини олишга доир ишлар билан шуғулланадиган маҳаллада

жойлашган мактаблар ва лицейлар ўқитувчилари, маҳаллалар кўмиталари раислари, шу ерда истикомат қилаётган тиббиёт ходимлари учун махсус семинарлар ҳам ўтказилади.

Лойиҳани амалга оширишда шаҳар ҳокимлиги, маҳаллий фуқаролар йиғинлари, республика саломатлик институтининг Хоразм вилояти филиали, вилоят наркология диспансери, қатор жамоатчилик жамғармалари бўлимлари «Ёшларни қўллаб-қувватлаш жамияти»нинг ҳамкорларига айланди.

(ЎЗА)

Халқаро муносабатларга оид хабарлар тарқатиш масъулияти ҳаётда кучли. Улар асосли ва тамомил ҳолис бўлмоғи лозим. Лекин, негизда Москва телеканаллари мутасаддилари бу масъулиятни унутиб қўйган кўринишда.

## Қалб нидоси

РЕНТВ, РТР телеканаллари ҳали-ҳануз Афғонистон генерали Абдурашид Дўстумни «ўзбек генерали» деб атайдилар.

## ЎЙДИРМАЛАР

тагида нима ётади?

Оддий бир фуқаро сифатида, хусусан, ТВ-6, НТВ телеканаллари кўрсатувларини синчковлик билан кузатарканман, айрим ўйдирмаларни эшитиб, хайратга тушаман. Бундай ноҳолис йўл тутишининг сабабларини ҳамма яхши билади. Муддао — халқимиз юрагига ваҳима солиш, чўчиштишга уринишдан бошқа нарса эмас. Қаранг, АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий-ҳаво кучлари Афғонистон ҳудудидаги толибонларнинг ҳарбий объектларини бомбардимон қила бошлаган биринчи соатлардаёқ Россиянинг НТВ телеканали «Югурувчи сатрлар» орқали ҳақиқатга тўғри келмайдиган турли хабарлар қаторида: «Ўзбекистон ўзининг жами Куролли Кучларини Афғонистон чегараси сари сафарбар қиляпти...» дея аюҳаннос солди.

Бу бориб турган ўйдирма эканлиги тегишли идораларимиз томонидан асослаб берилди. Яна бир гапни айтиб қўймоқ жоиздир. Эътибор қилган бўлсангиз, Россиянинг НТВ, ТВ-6,

бу масалага ойдинлик киритиб, бир вақтлар Россия оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашув чоғида шундай деган эди: — Дўстумни ўзбек генерали деб атаётганлар жажон афкор оммасини чалғитаётдилар. Бундан гўё «Дўстум Ўзбекистон армиясининг генерали экан» деган тушунча пайдо бўдиши мумкин. Ҳолбуки, Дўстум Афғонистонлик туб (этник) ўзбек миллатига мансуб шахс бўлиб, у Афғонистон армиясининг генералидир. Бу нарсаларнинг фарқига етмоқ керак.

Афсуски, Президентимизнинг ушбу гапни баъзилар бир қулоғи билан эшитиб, ўша захоти иккинчи қулоғидан чиқариб юборган кўринади. Шу ўринда буюк бобоқалонимиз Алишер Навоийнинг қуйидаги ўлмас сатрларини ёдга олиш аини муддао: «Хар кимки сўзи ёлгон, ёлғони зоҳир бўлғоч, у ёлгон».

Кодиржон СОБИРОВ, журналист.

## «AMERICARES» - КАРДИОЖАРРОҲЛАРГА

нинг Ўзбекистон пойтахтига келтирилишига АҚШ давлат департаменти ва АҚШнинг республикамиздаги элчихонаси ўз хиссасини қўшди. Америка Қўшма Штатларидан келган самолётни «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, клиникалар ва шифо-

лакатларига соғлиқни сақлаш соҳасида узок муддатли дастурларни амалга оширишда ёрдам беради. Шунингдек, «AmeriCares» мамлакатимиздаги тиббиёт маросимида «AmeriCares» ташкилоти томонидан жорий йил бошдан буён жамғармага учинчи бор инсонпарварлик юки юборилгани таъкидланди. Американинг мазкур ташкилоти дунёнинг турли мам-

(ЎЗА)

## «БОФАНДА» ФАОЛИЯТИ КЕНГАЯДИ

«Бофанда» очик акциядорлик жамиятида бошқарила бошланди.

Корхонамизда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 2 миллион 10 минг донатрикожа маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, - қилдишча, Италиядеди жамият раиси Раҳимберди Юсупов. - Маҳсулотимизга нафақат республикамизда Россияда ҳам талаб кучли. Хозирда корхонамизда ишлаётган 500 нафар ишчи-х-

димнинг ҳар бири ўртача 15-20 минг сўм атрофида маош оляпти. Р.Юсуповнинг таъкидлашича, Италиянинг «Волтрейдинг интернейшнл» корхонаси билан ҳамкорликда қўшма корхона тузиш режалаштириляпти. Хозир дастлабки лойиҳа устида иш олиб борилмоқда.

## Ҳақиқат инсоният томонида

# ТЕРРОРИЗМ ИЛДИЗИ ҚУРИТИЛИШИ КЕРАК

АҚШнинг давлат қотиби Колин Пауэлл мамлакат миллий манфаатлари миқёсида ўз фикрини баён этар экан, Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлар қишгача ниҳоясига етказилганида мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб ўқтирди. Бироқ, воқеаларга қуқур назар солар эканми, айрим сиёсий кучлар аксилтерор операцияси бир йилдан уч йилгача давом этиши мумкинлигини башорат қилмоқда.

АҚШнинг юқори мартабаи ҳарбийларидан бири ўз таъминини беш йиллик кураш билан асослашга интилди. Ёдингизда бўлса, АҚШ мудофаа вазири Доналд Рамсфелд жажон миқёсида терроризмга қарши кураш беш йилдан ўн йилгача давом этиши мумкинлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирган эди. Бугунги кунда халқаро ҳамжамият, шунингдек, АҚШ ва Буюк Британия маъмурияти Афғонистондаги Шимолий иттифоқ кучларининг Қобул томон ҳаракат қилишини маъқулляпти. Олинган халқаро таъкидланишича, Шимолий кучлар Афғонистонда стратегик жиҳатдан жуда муҳим ҳисобланган Мозори-Шариф шаҳри йўналишида ҳам муваффақиятли ҳарбий ҳаракатларни давом эттирмоқда. Шу ҳафтанинг душанба кунидан бошлаб аксилтерор операцияси натижасида Қобулдан шимолроқдаги «Толибон» ис-

ҳаво ҳужуми амалга оширилмоқда. Бундай ҳаракатлар Қандаҳор ва Жалобод шаҳри яқинидаги танк қисмлари жойлашган ҳудудда ҳам олиб борилмоқда. Айрим таҳминларга биноан Қобул, Хирот ва Жалободдаги «Толибон» ҳарбий қисмларининг яқсон қилиниши Шимолий кучларнинг Панжшер домини узра ўз назоратини тиклаш имконини бериши мумкин. (Давоми 2-бетда)

## БМТнинг ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ АМАЛЛАРИ

Тинчлик ва барқарорликни сақлаш ҳар доим долзарб масала бўлиб келган. Фашизм яқсон этилгандан кейин инсоният қайта ўйғониш даврини бошдан кечирди. Имон қадар урушдан сақланишга интилиб яшади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам (илгари у Миллатлар лигаси эди) ўшандан кейин қайта тузилди ва инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, ёвуз кучларни йўқотиш, дунё мамлакатлари бошини қовуштирган ҳолда, юз бериши мумкин бўлган фа-локатларнинг олдини олишга киришди.

24 октябрь куни БМТ ташкил этилганига 56 йил тўлади. Бу улкан давр мобайнида ташкилот кўп иш қилди, бир нечта куйи муассасалар тузди. Турли соҳалар бўйича конвенциялар қабул қилди. Хозир бу ташкилот фаолияти қамровига кирмайдиган жабҳанинг ўзи деярли йўқ. БМТнинг айниқса минтақавий моҳароларни ҳал этиш, турли офатлар гирдобидида қолган миллионлаб одамларга ёрдам кўрсатиш борасидаги ишлари таҳсинга сазовор. Бу йил унинг хизматлари алоҳида тақдирланди - БМТ ва унинг Бош қотиби Кофи Аннан Халқаро Нобел Тинчлик муқофотида сазовор бўлди.

Ташкилотнинг Ўзбекистон билан муносабатлари тарихи мамлакатимиз унга аъзо бўлган 1992 йилдан бошланади. Ўзбекистон унинг сафига кирганидан кейин Тошкентда БМТнинг доимий, шунингдек, ташкилот ҳузуридаги бир неча муассасаларнинг ваколатхоналари очилди. Ҳамкорлик қамрови жуда кенг. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодий ривожлантириш, экология, демократия қадриятлари, минтақавий хавфсизлик ва миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, маданий мерос, осори-атикани асраб-авайлаш ва ҳоказо.

Ўзбекистон БМТнинг энг фаол аъзоларидан биридир. Президент Ислам Каримов Ташкилот Бош ассамблеясининг бир неча сессияларида ва «Мингйиллик саммити»да қатнашиб, ўта долзарб масалаларни кўтаргани ҳам халқаро майдонда катта акс-садо берган эди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг бевосита иштироки ва ташаббуси билан дунёга келган қатор халқаро шартнома, битим, декларация ва меморандумлар БМТнинг расмий ҳужжатлари сирасига киритилган.

Аслида бугун БМТ ҳақида сўзлаш, унинг шаънига илиқ гап айтиш керак. Лекин қўшни юртдаги воқеалар мавзунини яна бевосита тинчлик муаммосига буради. Гарчи, террордек муҳиш балони тилга олиш одамга жуда оғир бўлса-да, у келтирган азоб-қуқубат кишида сўз имкониятлари чегарасига сиймайдиган жирканч ва нафрат уйғотса-да, бу жаҳолат ва ёвузликни барибир ёзмай - қораламай, қоралаш орқали унга қарши курашмай илож йўқ. Бугун дунё унга қарши курашяпти. Ҳарбийлар қурол билан, сиёсий арбоблар дипломатия йўли билан, журналистлар қаламу оддий инсонлар қаҳру газоби ва нафратини билан курашяпти. Зеро, дунё бўйлаб палак отган террор ўз қурбонларини ижтимоий ҳолати, мақоми, жамиятдаги ўрнига қараб танлаётгани йўқ. У минглаб одамларни ҳаётдан олиб кетган портлашлардан, очикча ваҳишона тажовузулардан кейин, бугун яширин ҳужум усуллари ишлаштишга ўтди.

Хозир қўшни юртда кечаётган воқеалар башариатнинг фақат толиблар панохидида Усома бин Лудин ва «Ал-Қоида» ташкилотини тағ-томири билан йўқотиш мақсадида эмас, умуман дунёни терроризм деган янги офатдан халос этиш йўлидаги ҳаракатининг инъикосидир. Эслайлик, Ўзбекистон раҳбарияти бир неча йилдан буён Афғонистоннинг ички ишларига четдан аралашмаслик ва у ерга қурол-яроғ оқими киришини тўхтатиш ҳақида бонг уриб келади. Бундан мақсад фақат Афғонистондаги моҳароларга барҳам бериш эмас, балки шу жараён орқали террор, нарқобизнес ва турли бошқа муаммолар мамлакат чегараларидан ташқарига чиқиб кетишининг олдини олиш ҳам мумкинлигини таъкидлайди. Бугун бугун инсоният террорга қарши курашиш мақсадида жиқслашди. Тинчлик учун курашмоқ кераклиги, осойишталик таъминоти фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш орғанлари, қурол ишлатувчи муассасалар, умумий қилиб айтганда, фақатгина давлатнинг зиммасида эмаслиги бугун барчага аён бўлди.

БМТ бу йил ташкил топган кунини ана шундай мураккаб пайтда нишонламоқда. Лекин террорга қарши дунёвий кураш ҳар қанча мураккаб кўринмасин, кўпгина мамлакатларда инсонларнинг руҳи тетик, эртанги кунга ишончи мустаҳкам, қиёфасида хотиржамлик, сўзи ва амалида қатъият намён. Бу эса террор деган вабонинг уруғи эртаниндиндир барибир қуриши, бугун дунё унинг хуружига қарши кескин кураш олиб бораётганидан далолатдир. Олга интиляётган инсоният бу разолатни тамом тугатмагунча курашади.

Анвар БОБОЕВ (ЎЗА)

Қарор ва ижро

Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгилаштириш тўғрисида»ги қарори асосида Тошкент вилоятида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, оролбўйилик аёллардан 1200 нафарини профилактик даволаш тадбири белгиланди.

ПОЙТАХТ СИҲАТГОҲЛАРИДА

Дастлаб вилоят ҳудудидаги 6 та санаторий ва 4 та санаторий-профилакторий қорақалпоғистонлик 168 нафар, Хоразм вилоятдан 85 нафар аёлни қабул қилиб олди. «Ботаника», «Турон», «Чинобод», «Умид гулшани» каби санаторийлар, «Семург», «Навбахор» каби профилакторийлардаги физиотерапевтик, мадданли сувлар билан олиб борилган муолажалар самарали бўлди. Гавҳар Матқаримова, Зевар Холматова, Орзугул Сафарниёзова, Раъно Шергенбетова ва бошқа ўнлаб даволанувчиларнинг Олмалик тоғ металлургия комбинатида қарашли профилакторий, «Ботаника» санаторийси ва бошқа сиҳатгоҳларда яратилган шароитлар, тиббиёт ходимларининг ширинсўзлиги ҳақида ёзган дил изҳорлари фикримиз далилидир.

Айни вақтда 169 нафар Қорақалпоғистондан, 85 нафар Хоразмдан келган иккинчи қабул даволанувчилари ҳам кўрсатилаётган меҳрибонликдан мамнунликларини изҳор этмоқдалар.

Саломатликларини тиклаб, мазмунли дам олаётган бу аёллар учун транспорт харажатлари бепул ташкил этилди. Поезд йўлига ҳақини Ўзбекистон темир йўллари, автобус харажатларини эса «Тошвилюктранс» ташкилотлари ўз зиммасига олишди. Шунингдек, даволанувчилар Тошкент вилоят қасаба уюмлари Кенгашига ҳам миннатдорчилик билдирдилар. Чунки 1200 нафар аёлнинг соғломлаштириш масканларида даволанишлари учун ижтимоий сугурта жамғармасидан 60 миллион сўм сарфлашни кўзда тутилган.

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак. Ана шунда серкувш республикамизнинг ҳамма жойида турли миллатдаги, турли ёшдаги кишилар чехраларида табассум жилва қилади.

Темур ҲАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири.

МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТИ

жамоат тартибини сақлашда жамоатчилик кучидан унумли фойдаланмоқда

Шўрчи тумани ички ишлар бўлими ходимлари Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идораларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Жинойатчиликка қарши курашда ИИБ профилактика хизматининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги қарорини ҳаётга жорий этиш юзасидан ибратли тадбирларни амалга оширмоқда.

Жумладан, туманда профилактика инспекторлари учун 18 та таянч пунктлари очишга жойлар, бинолар ажратилиб, уларни таъмирлаш ишлари қизғин оlib бориляпти. Бу таянч пунктларида ўз ишларининг фидойилари бўлган 39 нафар ходим фаолият кўрсатаётди.

Профилактика инспекторининг хизмат доирасига кирадиган ишлар кўлами кенг, — дейди туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори. Хайитмурод Давлатов, — улардан энг асосийси жамоатчилик билан тил топиши, ўзаро ҳамкорликни ку-

чайтириш, жамоат тартибини сақлаш ишига кенг жамоатчиликни жалб эта билдириш.

Бу борада маҳалла посбонлари — уларнинг ўнг қаноти, десак муболаға бўлмайди. Айнан ўшалар ёрдамида маҳаллаларни кузатиш, кўчаларни айланиш каби ишлар муваффақиятли равишда амалга ошириляпти.

Яқинда туман марказида янги милиция таянч пункти ишга туширилди. Унга участка катта инспектори хонаси ҳамда инспекторлар учун алоҳида хоналар мавжуд. Бу ерда фуқароларни қабул

Ўз уйингни ўзинг асра!

қилиш, ножўя ишларга қўл урган шахслар билан профилактик суҳбатлар ўтказиш учун барча қулайликлар муҳайё. Дикқатга сазовор томонини шундаки, пунктга ҳар оқшом фаоллар тўпланиб, маҳаллаларда навбатчилик ишларини белгилашади.

Оқорида таъкидлаб ўтганимиздек, профилактика инспекторларига юклатилган вазифалар кўлами жуда кенг. Шўрчи тумани Тожикистон республикаси билан чегарадош бўлганлиги учун ҳам бу ерда чегарачилар ва халқ посбонлари билан биргаликда мамлакатимиз осойишталигини таъминлаш мақсадида самарали ишлар олиб борилмоқда.

Президентимизнинг республикада паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги Фармони ҳамда бу борадаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори ижросини таъминлаш борасида ҳам бир қатор тадбирлар амалга ошириляпти.

Хусусан, маҳаллаларда,

олис ва чекка жойларда, чегара ҳудудларидаги ҳар бир қишлоқда махсус дафтлар юритилиб, уларда шу жойларда истиқомат қилувчи аҳоли ҳақида аниқ маълумотлар қайд этилган. Профилактика инспекторларининг намунали ишларидан яна бири — оғоҳлик ва ҳушёрликни таъминлаш борасида ўтказилаётган тадбирлар самарали уюштирилаётганлигидир. Бу ишда инспекторларнинг хиссаси катта бўляпти. Таҳдидлар шунини кўрсатмоқдаки, умумий жинойатлар сони буйғиб ўтган йилга нисбатан бир ярим баробар камайди. Ёшлар орасида эса бирорта ҳам жинойат содир этилмади.

Меҳнат биржаси, «Қамолот» жамғармаси, маҳалла оқсоқоллари ички ишлар бўлимига яқиндан кўмаклашаётганининг самараси ўлароқ туманда осойишталик, соғлом муҳит ҳукм сураётди.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ, «Ишонч» мухбири.

«САЙҚАЛ»

ВЕЛОСИПЕДЛАРИ

Фарғонадаги «Сайқал» савдо ишлаб чиқариш корхонаси Фарғона механика заводи билан ҳамкорликда велосипед ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Янги велосипедлар бошқаришга қулайлиги, бежирим ва кўркамлиги билан ажралиб туради. Велосипедлар икки юз гилдиракли бўлиб, юк ташшига, айниқса, кекса ёшдаги кишиларнинг бошқаришига қулайлиги билан ҳам харидорлар диққатини тортмоқда.

Хозиргина уч хил кўринишдаги велосипедларнинг дастлабки 15 донаси тайёрлаб қўйилди.

Корхонамизда бу борада бирмунча тажриба тўплаганимиз, — дейди «Сайқал» савдо ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Абдурахмон Нисов. — Шу кунгача 3 миллион 75 минг сўмлик ногиронлар аравачаси ва велоаравчалар истеъмолчиларга етказиб берилди.

(ЎзА).



Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми яқунларига бағишланган йиғилишида кўрсатиб ўтилганидек, кичик ва ўрта бизнесга муносабат масаласида қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд.

Бунга, аввало, аксарият тадбиркорларнинг ўзлари малака жиҳатидан замонавий талабларга жавоб беролмасликлари, уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини пухта билмасликлари, бизнес режаларини тўғри ишлаб чиқиш, кредит олиш учун ҳужжатларнинг расмийлаштириш, ҳисоб-китоб юритиш, ҳужжалик шартномаларини тузишда тажрибаларнинг етишмаслиги сабаб бўлмоқда.

Иқтисодий ривожланиш жараёни кўп жиҳатдан кичик ва ўрта бизнес эвазига эришилиши ва унинг устувор аҳамиятини тўғри англаган Қашқадарё вилоятида ҳам тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Айни пайтда воҳада 15 мингдан ортиқ кичик ва ўрта бизнес субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг 14 мингдан ортиғи айни пайтда фаолият кўрсатаётганлар. Уларнинг яратилаётган ялпи ички маҳсулотдаги улуши 26,5 фоизни, кичик ва ўрта корхоналарнинг ҳиссаси эса 11,8 фоизни ташкил этмоқда.

Вилоят прокуратураси ходимлари тадбиркорларни, деҳқон-фермерларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида қатор текширишлар ўтказдилар. Аниқланишича, воҳада 477 та деҳқон, 4382 та фермер ҳўжаликлари ва 6 мингдан ортиқ тадбиркорлик билан шугулланувчи субъектлар иш юритмоқда.

Деҳқон ва фермер ҳўжаликларига қарашли 5974 гектар майдонда озқабоб экинлар ўстирилмоқда. 34079 гектар ерга эса чигит экилган эди. Кўпчилик фермер ҳўжаликлари ҳозиргина шартнома режаларини ошириб бажардилар.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида йилнинг ўтган даврида деҳқон ва фермер ҳўжаликларига

293, 8 миллион сўм кредит маблағлари берилди. Умуман вилоятдаги барча тадбиркорлик субъектларига 3,9 миллиард сўмлик кредит ажратилди. Шунга қарамасдан «Миллийбанк»нинг Фузур, «Тадбиркор-банк»нинг Қашқар туман бўлимлари ишбилармонларнинг кредит сураб қилган мурожаатларини эътиборсиз қолдирганлигини қандай баҳолаш мумкин?

ФЕРМЕРГА ЎЗ ВАҚТИДА КРЕДИТ БЕРИЛМАСА...

Чирочқи туманидаги «Раҳиддин» ва «Ярманбобо» фермер ҳўжаликлари «Галлабанк»нинг Қўқдала бўлими томонидан ўз вақтида кредит берилмади. Вилоят прокуратурасининг аралашуви билан «Раҳиддин» фермер ҳўжалигига 2 миллион сўм, «Ярманбобо» фермер ҳўжалигига 700 минг сўм кредит ажратилди. Қонун бузилишига йўл қўйилганлиги учун банк бошқарувчиси А.Сайидов ва кредит бўлими бошлиғи Ш.Қосимовлар интизомий жавобгарликка тортилди.

Воҳада ўтган йилнинг шу даврига нисбатан фермер ҳўжаликлари қарийб 1500 тага кўпайган. Лекин, уларга кредит бериш 74 миллион сўмга қамайган. Таассуфки, айрим банк муассасалари кредит сураб ёзилган мурожаатномаларни асоссиз рад қилиш, рўйхатга олмаслик, ҳисоб рақамларини ноқонуний тарзда ёпиб қўйиш ҳолатларига йўл қўймоқдалар.

Нишон туманидаги «Туркманистон» ҳўжалиги фермерлар уюмчасига айлантирилиб, экин майдонлари 20 та фермерга ижарага берилган эди. Аммо ҳўжаликнинг кредиторлик қарзларини тўлаш ноқону-

Муаммо кўндаланг қўйилди

ний равишда фермерларга юклатилди. Фермерлар томонидан қарзларни тўлаш рад этилганлиги туфайли «Миллийбанк»нинг Янгиёшон бўлими томонидан тадбиркорларнинг ҳисоб рақамлари ёпиб қўйилди. Прокуратура аралашуvidан кейингина ҳисоб рақамлари очилди.

Айрим ташкилотлар томонидан эса Ўзбекистон Республикасининг «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»

ги тўғрисида»ги Қонунали талаблари бузилмоқда.

Касби туманидаги «Комилон» жамоа ҳўжалигида яшовчи фуқаро С.Шамдаатовнинг ер бериши сураб ёзган аризаси ҳўжалик раҳбари ва туман ҳокимлиги томонидан бир йил мобайнида қаноатлантирилмади. Вилоят прокуратурасининг ўтказган текширувларидан кейингина С.Шамдаатовга фермер ҳўжалиги юритиши учун ер ажратиб берилди.

Маълумки, тадбиркорлар манфаати қонун билан ҳимоя қилинади. Амалдаги қонунларнинг ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасида 42 нафар раҳбар оғоҳлантирилди, 6 кишига интизомий, 4 ходимга нисбатан маъмурий жазо қўйилди, бир нафар шахс молдони жавобгарликка тортилди. Ҳуқуқтартиб органлари томонидан тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш бўйича ҳўжалик судларига даъво аризалари киритилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муҳим вазифадир. Лекин, Баҳористон, У.Юсупов, Деҳқонбод, Нишон, Касби туманлари тадбиркорлар палаталари, «Бизнес фонд» бўлимларида ўрта ва кичик бизнес субъектлари, фермер ҳўжаликлари раҳбарларини ўқитиш ва малакасини ошириш масалаларига эътибор берилмапти. Тадбиркорлар палаталарида олиё маълумотли адлия ходимларининг камлиги туфайли ишбилармонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда кийинчиликларга дуч келинмоқда. Ташкил этилган ахборот ва маслаҳат марказларининг фаолиятлари ҳам талаблар даражасида эмас.

Хулоса шуки, хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес миллий юксалишига эришишнинг ўта муҳим омил экинлигини унутмаслик лозим.

Иzzат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

Тадбиркорлик — давр талаби НУРОТА МАРМАРИ

Нурота туманидаги «Кўчот» йўллардан фойдаланиш бошқармаси ўз имкониятларини тинмай кенгайтириб бормоқда. Корхонада иш ҳақми 1999 йилда 56 миллион 583 минг сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг тўққиз ойида бу кўрсаткич 105 миллион 582 минг сўмга етди.

Корхонада янги 60 иш ўрни яратилди ҳамда иш ҳақи кескин ошиб, ишловчиларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоялаш йўлга қўйилди. Бунинг учун «Кўчот» мрамар қонида мрамар харсанглари қазиб олиш ва улардан турли ҳажмдаги тахтачалар ишлаб чиқариш ёрдамчи тармоғи ишга туширилди.

Йўллардан фойдаланиш республика Давлат акциядорлик концерни кўмаги билан Италиянинг «Пелликлени» фирмасидан 178 минг АҚШ долларига тош кесиш ускуналари келтирилиб, ишга туширилди.

Қисқа фурсат ичида корхона мўмай даромад манбаига эга бўлди. Ҳозир ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб жуда катта. Бу нафақат корхонага, балки туман бюджетига ҳам даромад келтирмоқда.

Тадбиркорликда ҳикмат кўп, деганлари шу бўлса керак-да.

Я.САРИЕВ.

— Нонлар ризқ-насиба, тўкин-сочинлик рамзи. Нонни сифатли ва маззали қилиб элга етказишда биз новвойларнинг хизмати беқиёсдир. — дейди Қонимех матлубот савдо хиссадорлик жамиятига қарашли нон ишлаб чиқариш чеми новвойлари. Айни кунда бу ерда 8 турдаги нон махсу-

лотлари ва 3 хил макарон ишлаб чиқарилмоқда.

Суратларда: қўлигул новвойлар Р.Каримов (юқорида); М.Хайитбоев ва Р.Жумаев.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.



(Боши 1-бетда)

Аксилтеррор курашининг сиёсий жиҳатларига назар солсак, халқаро ҳамжамият терроризмга қарши кураш масаласида учта асосий вазифани мўлжаллаган. Биринчидан — террорчи кучлар ва уларнинг ҳимоячиларига қарши ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш. Иккинчидан — Афғонистоннинг келажаги йўлида фаол дипломатия муносабатларини йўлга қўйиш. Ҳариканда Шанхайда бўлиб ўтган Осие — Тинч океан ҳавзаси давлатлари (21 давлат аъзо) раҳбарларининг навбатдаги анжуманида бу масалага алоҳида эътибор берилди. Учинчи масала — гуманитар соҳадаги ҳамкорлик вазифалари билан узвий боғлиқдир.

Шундай экан, бугунги муҳим вазифалар қаторида жаҳонда афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш масаласи ҳам бор. Кейинги бир ҳафтанинг ўзида қочқарлар сони 50 мингга кўпайди. Қочқарлар асосан Покистон ва Эрон ҳудудида ўтиш учун интиломоқда. Маълумки, шу пайтгача Эронда салкам икки миллион,

ТЕРРОРИЗМ ИЛДИЗИ ҚУРИТИЛИШИ КЕРАК

Покистонда эса уч миллион атрофида қочқар бор эди. Қиш ҳам яқинлашиб қолди. Бу қиш 7 миллиондан кўпроқ Афғонистон аҳолиси учун катта кийинчиликлар келтириши мумкинлиги ҳақида тахминлар бор.

Шу боис, Афғонистон халқига инсонпарварлик ёрдами кўламини кенгайтириш масаласи бўйича музокаралар олиб борилмоқда. Маълумки, АҚШ маъмурияти афғон халқига 320 миллион доллар миқдорда инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳақидаги қарорини эълон қилганди. Эндиликда МДХ мамлакатлари, булардан ташқари Туркия, Хитой каби давлатларнинг Афғонистон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш масаласида ҳам минтақавий муаммолар, биринчи гада дунё миқёсида терроризм балосига қарши биринчи марта кураш олиб бориш масалалари муҳокама қилинмоқда.

Дарвоқе, 22 октябр куни мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов ЕХТТ (Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти) раҳбарлари билан ўтказилган музокараларда ҳам Афғонистон масаласи чуқур таҳлил қилиниб, аксилтеррор ҳаракатларини мустақамлаш борасидаги Ўзбекистон ташаббуслари ижобий баҳоланди.

Дарҳақиқат, жаҳон ҳамжамияти Афғонистоннинг бундан бунёнги ҳаёти, унинг келажақдаги ижтимоий-сиёсий тузилиши ҳақида астойдил қайғурмоқда. Бу бир жиҳатдан халқаро ҳамжамиятнинг Шимолий иттифок кучларига кўрсатилган ёрдамда ўз ифодасини топаётган бўлса, иккинчи томондан Афғонистоннинг собиқ қироли Муҳаммад Зоҳир Шох билан бўлиб бораётган музокараларда ҳам Афғонистоннинг эртанги кунда ҳақида фикр юритилмоқда. Хусусан, Европа Иттифокнинг

ташқи сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича мурофиллаштирувчиси Хавьер Солана Римда Зоҳир Шох билан музокаралар ўтказди. Ушбу учрашувдан асосий мақсад — кейинги ўн йилликлар мобайнида бўлиниб кетган Афғонистон жамоасини бирлаштириш, турли гуруҳлар ўртасидаги ўринсиз рақобатлар ва биродарқушлик мижазоларини тугатиш билан боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилиниши. Яқин кунлар ичида БМТнинг Афғонистон бўйича махсус вазир Лохдор Иброҳими (Браҳими) ҳам Афғонистоннинг собиқ қироли билан учрашув ўтказишни мўлжаллашган.

Албатта, Афғонистоннинг келажаги кўп жиҳатдан БМТнинг қатъиятига, амалий қадамига ҳам боғлиқ. Умуман, Афғонистоннинг тақдирини ички омиллар билан бирга халқаро, таъбир жоиз бўлса, ташқи сиёсий омиллар ҳам муҳим

таъсир кучига эга. Масалан, БМТнинг ўрни, Европа Иттифокни ёки ЕХТТнинг таъсир этиш қўламини, Ислам Давлатлари Конференцияси ташкилоти, МДХ давлатларининг мавқеи ва бошқа ҳолатлар эътиборга молик. Шунингдек, яқин ўн йилликлар тарихий сабаби шундан гувоҳлик берадики, Афғонистонда ички сиёсий барқарорлик ўрнатиш кўп жиҳатдан Покистон ва Эрон позициясига ҳам узвий боғлиқ бўлиб келган. Демак, бундан кейин ҳам бу икки давлатнинг афғон муаммосини ечишдаги иштирокини инкор қилиб бўлмайди.

Афғонистон ҳудудининг каттагина қисмини (7 октябрда 93 фоиз, ҳозир эса 66-68 фоиз) назорат қилаётган «Толибон» гуруҳи афғон халқини оғир иқтисодий-сиёсий танг-ликлар ва миллий-этниқ муаммолар куришовидан олиб чиқиш кетишга мутлақо қодир эмас. Бунинг

сабаби — улар халқаро террорчиларнинг ҳомийси, ҳимоячиси ва ўзи ҳам терроризм йўлини қўллайдиган номақбул ва ўта хавфли, реакция оқимдир. «Толибон» дунё миқёсидаги биринчи террорчи Усама бин Ладинни ўз панохига олган, нарқобизнес ва халқаро жинойатчиларни ҳам ҳимоя қилиб келмоқда.

Хўш, шундай вазиятда жаҳон ахли бу воқеаларга кузатувчи ёки томошабин бўлиб туриши уринилми? Албатта, йўқ. Террорчилар ва Афғонистондаги бузғончи ғоялар билан қуролланган оқимлар учун Ислам дини ниқоб, улар учун муқаддас динимиз бир бахона. Ислам — бу тинчлик демократия. Террорчилар эса тинчлик келтирмайдилар. Улар жаҳон халқларига зулм, ваҳшийлик, ғиёҳандлик ва уруш олиб келадилар, холос.

Бунинг тўғри аниқлаш, идрок қилиш, терроризмга қарши умумжаҳон курашини авж олдириш дунё омонлиги шартидир.

Кобилбек КАРИМБЕКОВ, сиёсий шарҳловчи.

**Йўллар... элларни элларга, дилларни дилларга боғловчи дўстлик, биродарлик ришталаридир. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда йўлсозлик жаҳон андозалари даражасига кўтарилди, халқаро ва давлат аҳамиятига молик кенг ва раван йўллар барпо этилди ва этилмоқда. Бу эзгу ишдан «Фаргона-автотўй» давлат хиссдорлик бирлашмаси бунёдкорларининг ҳам хизматлари бекиёсдир. Йўлсозлар кишининг қаҳратон соғуғи, ёзининг жазирама иссиқлигига беписанд мардонавор меҳнат қилиб келмоқдалар. Зеро, йўл қўрмоқнинг савоби икки дунё саодатига тенгдир.**

— Йўлсозларимиз 4112 километр умумфойдаланувчи автомобиль йўлларига хизмат қилади, — дейди бирлашма бош муҳандиси Абдубоқи Шаропов. —

Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан биз, йўлсозларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунинг натижасида мамлакатимизнинг минглаб километр йўллари қайта таъмирланиб, жаҳон андозалари талаблари даражасига келтирилди. Биргина Қамчиқ довонида мисли кўрилмаган ишларнинг амалга оширилганлиги фикримизнинг яққол далилидир. Бу юмушда бирлашмамиз ишчилари ҳам фаол қатнашиб келаётганидан фахрланамиз. Улар томонидан доvon қурилишида фақат шу йилнинг ўзида 508 миллион 121 минг сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди.


Умуман олганда, ўтган саккиз ой ичида йўлсозлар 4 миллион 265 миллион 644 минг сўмлик таъмирлаш ва сақлаш ишларини амалга ошириб, бу борадаги режаларини ортиги билан адо этдилар. Бундан ташқари, 337 та автобус бекати қайта таъмирланиб, 12 таси янгитдан қурилди.

«Фаргона халқаси» автомобил йўлининг 8 километри таъмирдан чиқарилди. Йил охиригача унинг 20 километрида ажратувчи тўсиқлар ўрнатилди. Шундан кейингина у 1-Б тоифа автомобил йўли мақомига эга бўлади ва ҳаракат тезлиги анча ошади. Айни чоғда «Фаргона-Ҳамзаобод» транспорт йўлининг 1-4 километр қисми таъмирланмоқда. Таъмирдан сўнг у ҳам 1-Б тоифа мақомига олади. Унинг ўртасидан гулзорлаштирилган ажратувчи тасма ўтказилди. Ёритқилар ўрнатилди. «Тошкент-Уш» автомобил йўлининг 236-километр қисмида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кесишувчи айланма ҳаракат йўли қуриб битказилди. Бу пойтахт-

дан келаётган транспорт оқими-ни тартибга солишда катта аҳамият касб этади.

Айни кунларда ишчи-хизматчилар томонидан нафақат йўл қуриш ва таъмирлаш ишлари, балки ободонлаштириш ва кўк-ламзорлаштириш юмушлари ҳам амалга оширилмоқда. Масалан, Бувайда туманидаги қабристонлардан бирига бориш йўли асфальт қилинди. Риштон туманидаги Воҳим, Бешкепа, Жаҳонобод кўчалари йўлчилар томонидан ободонлаштирилди. Фаргона шаҳар болалар ва ўсмирлар ижодий маркази, Шамсутдинов кўчалари тартибга келтирилди.

**ДОВОН ҚУРУВЧИЛАРИ ҲУЗУРИДА**



**ЙЎЛСОЗЛАР САДОҚАТИ**

Фаргона автомобил йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармаси бирлашманинг энг йирик корхоналаридан бири ҳисобланади. Бошқармада 400 нафардан зиёд ишчи ва хизматчилар меҳнат қилишади. Улар томонидан ўтган давр ичида 1 миллиард 215 миллион сўмга яқин иш бажарилди. Шундан 331 миллион 367 минг сўми «Қамчиқ» довонида ўзлаштирилди.

Дарвоқе, жамоа аъзолари доvon қурилишида 1995 йилдан бери қатнашиб келади. Бу ерда ишчиларга яратилаётган иш шароитларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан, уларга уч маҳал иссиқ овқат берилади. Иш жойида новвойхона ишлаб турибди. Дам олиш хонасида улар хоҳласа телевизор кўриши, хоҳласа шахмат-шашка ўйнашлари мумкин. Маънавият ва маърифат хоналарида газета ва журналлар таҳламлидан фойдаланадилар. Мамлакатимизда ва дунёда бўлаётган воқеалар билан ўз вақтида танишадилар. Довонда иш икки сменада ташкил қилинган. Уларнинг тоғ шароитида меҳнат қилаётгани ҳисобга олиниб, ойликка 60 фоиз кўшимча тўловлар берилди.

Ишчи ва хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси каби масалалар маъмурият ва касаб уюшма кўмитасининг доимий эътиборида. Мисол учун жорий йилнинг ўтган саккиз ойида ишловчиларга 2 миллион 182 минг сўмдан ортик

моддий ёрдам кўрсатилди. Республика миқёсидаги мустақиллигининг 10 йиллиги байрами арафасида йўлсозларга 4 миллион 260 минг сўм мукофот пуллари тарқатилди. Бирлашмада ҳалол меҳнат қилиб, айни пайтда нафақага чиққан 30 нафар фахрийларга 180 минг сўмлик моддий ёрдам уюштирилди. Хотира ва қадрлаш кунинида уруш қатнашчилари ҳамда фахрийлар йўқланди. Бунга



129 минг сўм маблағ ажратилди.

Маъмурият билан касаб уюшма ўртасидаги жамоа шартномасига асосан биринчи марта никоҳдан ўтаётган йигит-қизларга энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорда моддий ёрдам кўрсатилади. Энг яқин кишилари вафот этганда ҳам шу миқдорда ёрдам пули уюштирилади. Жамоа шартномасида ишчиларнинг соғлиқларини тиклаш, уларнинг дам олишларини ташкил этишга ҳам кенг ўрин ажратилган. Масалан, бульдозер хайдовчиси Жавҳар Алиқабаровга яқинда Тошкент вилоятидаги «Бўстон» сихатгоҳига бепул йўлланма ажратилди.

Корхонада самарали меҳнатлари, фидойиликлари учун ҳукуматимиз томонидан тақдирланганлар ҳам анчагина. Мисол учун автоскрейпер хайдовчиси Улуғбек Умаров мустақиллигимизнинг 8 йиллиги арафасида «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланди. Истиклолнинг 9 йиллиги арафасида эса экскаватор хайдовчиси Хидирали Хайдаров «Шуҳрати» медалига сазовор бўлди.

**Қаҳрамон орамузда**

**КАСАБА УЮШМА ЁРДАМГА КЕЛДИ**

— Маъмурият ва касаб уюшма кўмитамизга раҳмат, — дейди Фаргона туман автомобил йўллари бошқармаси ишчиси Раҳматжон Чўлибоев. — Яқинда кизим бетоб бўлиб шифохонага тушиб қолди. Шунда улар ёрдамга келди. Ўрни даволаниш ва дори-дармон учун зарур бўлган маблағ касалхона ҳисоб-рақамига ўтказиб берилди.

Умуман, бу ерда кейинги вақтларда ишчи-хизматчиларнинг соғлигини тиклаш борасида кўплаб ишлар қилинди ва қилинмоқда. Жамоа аъзолари ва уларнинг оилалари бепул даволаниши учун шифохоналар билан шартномалар тузилиб, пул ўтказилди. Шу йилнинг ўзида бу мақсадлар учун сарфланган маблағ 250 минг сўмни ташкил этди.

Оналар ва болалар йили муносабати билан бошқармада ишлаётган хотин-қизларга ҳар чоракда энг кам иш ҳақининг 2 баробари миқдорда моддий ёрдам кўрсатилади. Ҳозиргача бу мақсадларга 208 минг сўм сарфланди. Берилган мукофот пуллари эса 1,5 миллион сўмга етай деб қолди. Бундан ташқари, ходимларга таътилга чиқиш олди-дан берилган моддий ёрдам 866 минг сўмни ташкил этди.

Бунда моддий ва маънавий манфаатдорликни ҳис қилган ишчилар иложи борича самарали ишлашга ҳаракат қилаётдилар. Хусусан, улар томонидан ўтган даврда 43 миллион сўмлик таъмирлаш; 20,1 миллион сўмлик сақлаш ишлари бажарилди. 12 та бекат, 14 та кириш йўллари таъмирланди. Бошқарма ишчиси Халимжон Хожиматов ўтган йили автогрейдерчиларнинг вилоят кўрик-танловида 1-ўринни кўлга киритиб, «ДЭУ» рангли телевизиори билан тақдирланди.

**ИККИНЧИ СМЕНА БЎШ КЕЛМАЯПТИ**

Бирлашма тасарруфидаги Фаргона туманлараро ихтисос-

лаштирилган йўллар бошқармаси оғохлантирувчи устунчалар, блоклар, лотоклар, йўл тердюрлари, тўсиқчалар каби темир-бетон маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Бундан ташқари асфальт-бетон қоришмалари тайёрланади.

8 ой давомида 85 минг тоннадан ортик асфальт-бетон қоришмалари ишлаб чиқарилди.



Умумий тайёрланган маҳсулотлар ҳажми эса 436 миллион сўмдан ошиб кетди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 279 миллион сўм кўп, демакдир.

Ана шундай ижобий силжиларга қандай эришилмоқда? Биринчидан, бошқармада ишлаб чиқариш ускуналари навбати билан замонавийларига алмаштирилмоқда. Иккинчидан, мавжудларини тўла қувват билан ишлаши таъминланаётди. Ва ниҳоят, учинчидан, шу йил корхона 6 та янги автомашина сотиб олди. Натижада ташқаридан техника жалб қилиниши камайиб, кўшимча сарф-харажатларга йўл қўйилмади.

Корхона шу давр ичида ишлаб чиқаришдан ташқари 300 миллион сўмлик йўл-таъмирлаш ишларини ҳам амалга оширди. Ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан, уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 35 минг сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, 2-сменада ишлаётганларга бепул овқат берилди. Уларнинг уйига бориб келиши учун махсус транспорт ажратилган.

Хулоса қилиб айтганда, бирлашма жамоаси вилоят автомобил йўлларининг янада текис ва раван бўлишида муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

**Ғулом ЮСУПОВ,**  
«Ишонч» муҳбири.  
Суратларда: йўлсозлар фаолиятидан лавҳалар.

Мамлакатимизда қиш мавсумига тайёргарликнинг бориши хусусида «Узкоммухизмат» агентлигини ислохотлаштириш бошқармаси бошлиғи Отакул Қувондиқов «Туркистон-пресс» муҳбирига қуйидагиларни гапириб берди:


**ҚИШ ЭШИК ҚОҚАЁТИР...**

Бошқармаимизнинг асосий вазифаларидан бири давлат бошқарувининг маҳаллий идоралари, ҳўжалик субъектлари ва фуқаролар томонидан коммунал хўжалик соҳасида амалдаги хўнчиликка риоя қилинишини назорат қилишдан иборатдир, — деди у. — Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодий тармоқларни 2001-2002 йиллар кузги-қишги мавсумига ишлашга тайёрлаш тўғрисида» ги қарорига мувофиқ, бугунги кунга келиб, 1092 километр узунликдаги магистрал сув қувурлари қиш мавсумида ишлашга шай этиб қўйилди. Шунингдек бинолар, технологик иншоотлар, асосий ва захира электр узатиш линиялари, бинолар қошидаги қозонхоналар, ҳудудий иссиқлик тармоқлари ҳам қишга тўла тайёрланди. 169 километр узунликдаги ер ости газ қувурлари ускуналар ёрдамида текширувдан ўтказилди.

О.Қувондиқовнинг айтишича, исстеьмолчиларни газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида Самарқанд, Нукус ва бошқа шаҳарлардаги газ тақсимлаш шохобчалари таъмирдан чиқарилди.

Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари коммунал фойдаланиш бирлашмаларидан олинган маълумотга кўра, октябр ойининг ўрталарига келиб, 642,23 километрлик иссиқлик тармоқлари қалитал таъмирдан чиқарилди. 17 мингдан зиёд уйлар истишга тайёрланди, 1681 та қозонхона текширувдан ўтказилди, қишга тайёрланди.

**«Қашқадарё соҳили» чорлайди МИНГ ЭШИТГАНДАН БИР КўРГАН АФЗАЛ**



«Қашқадарё соҳили» нафақат вилоятда, балки республикаимизда ҳам тилга тушган санаторийлардан бири. Даволанувчилар учун барча шароитларнинг муҳайёлэтилганлиги, замонавий табиий ускуналари билан жиҳозланганлиги, шифокор ва ҳамшираларнинг хўшмуомалалиги унинг доврларини ошираётган омиллардан.

110 кишига мўлжалланган бу масканда шу йилнинг ўтган ойларида 1171 нафар киши даволаниб, ўз соғлигини тиклади. Сихатгоҳда юрак қон-томир, бўгин-таянч органлари, ошқозон-ичак, сурункали буйрак ялғиланиши, асаб, гинекология касалликлари бўйича муолажалар қилинади. Бунинг учун барча имкониятлар етарли. Дарсенвал, электрофорез, циркуляр душ, сув ости массажи, парафин, балчиқ билан даволаш шулар жумласига қиради. Айниқса санаторийнинг даволаш-таъхис маркази мақтагулик. Ахир унга нақд 350 миллион сўм сарфланган-да. Марказдаги ускуналарни таймайсизми? 60 миллион сўмлик табиийнинг энг сўнги ютуқлари маҳсули бўлиши воситалар ҳар қандай касални ҳам дармонга киритиб юборади. Энди бир-икки оғиз бу ердаги маданий тадбирлар хусусида.

Даволанувчиларнинг мазмунли хордик чиқаришлари учун Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларига мунтазам саёҳатлар уюштирилади. Концертлар, дискотекалар, учрашувлар ўтказиш эса аънаана айланган. Кутубхона, биллирд, шахмат-шашка, стол тенниси дам олувчилар ихтиёрида.

Норбоби Анаварова, Икром Раҳимов, Нодира Ашурова, Афанасий Ким, Мавжуда Воҳидова, Ҳабиба Исмаилова, Шахло Ҳамроева каби шифокор ва ҳамшираларнинг ширин сўзи даволанувчиларнинг дардига малҳам бўляпти.

— Келажакда, — дейди сихатгоҳ бош шифокори Ақром Ақбаров, — стоматология, керамик нур билан даволаш ускуналарини олмоқчимиз. — Ёпиқ ховуз, сауна, даволаш гимнастикаси зали, очик спорт майдончаси қурилишларини эса бошлаб юборганмиз. Мақсадимиз даволанувчиларга барча шароитларни яратиш.

«Минг эшитгандан бир кўрган афзал» дейишади. Агар «Қашқадарё соҳили» га бирров қадам ранжида қилсангиз, ушбу ўқиганларингизга ўзингиз ҳам ғувоб бўласиз.

**К. БОЙМУРОВА,**  
«Ишонч» муҳбири.

**САЙЁРАМИЗ САДОСИ**

**ДУШАНБЕ УЧРАШУВИ**



Осиё ва Тинч умони иқтисодий ҳамкорлигига аъзо давлатлар раҳбарларининг ХХР Шанхай шаҳридаги саммити туғанидан сўнг РФ Президенти Владимир Путин Тожикистон пойтахти Душанбегача қисқа муддатли сафар қилди. У бу ерда Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ҳамда Афғонистон давлати бошлиғи Бурхониддин Раббоний билан учрашув ўтказди. Мазкур мулоқотда В.Путин халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган ҳукумат сифатида Б.Раббоний маъмуриятини Россия бундан буюн ҳам қўллаб-қувватлашини, ўз халқини овоз этиши йўлидаги курашида харбий-техникавий ёрдам берилишини, терроризмнинг асосий ўчоқларини йўқ қилишда қолган давлатлар билан бирга қатъий сабот-матонат кўрсатишини, шунингдек, инсонпарварлик уюшмаларини етказиб беришда кўмак берилишини яна бир бор таъкидлади. Учрашув ниҳоясида у президент музокаралари тўғрисида махсус баёнот қабул қилинди. Унда аксилтеррорчи халқаро уюшманинг талаблари сўзсиз бажарилиши лозимлиги яна бир бор кўрсатиб ўтилди.

**ЖАНГАРИЛАР ТАЛОФАТИ**

Ўтган кунни тунда АҚШнинг Уртаер денгиздаги «Китти Хок» авиокөмасидан кўтарилган вертолётлардан Қандаҳор шаҳри остоналарига ташланган Америка десантчилари толибларнинг баъзи бир гуруҳлари билан тўқнаш келдилар. Жангариларнинг кўпчилиги қириб ташланди. Шунингдек, қуруқликда ҳарокат қилувчи гуруҳлар шаҳар қириндаги аэродромни ҳамда толибларнинг қўмондонлик қароргоҳини портлатиб юбордилар. Қурол-аслаҳалар сақланган омборлар ҳам вайрон қилинди. Бироқ, толиблар раҳбари Мулла Умарни қўлга тушириш режаси амалга ошмади.

**ХАБАР РАД ЭТИЛДИ**

Оммавий ахборот воситалари тарқатган

хабар — Шимолий Иттифок ҳудудларида мингдан зиёд Америка аскарлари жойлаштирилганлиги тўғрисидаги гап-сўзларни генерал Абдурашид Дўстум қатъий рад этди. Дубайда чиқадиган «Gulf News» газетаси муҳбири билан қилган суҳбатда генерал Афғонистон шимолида фақат саккиз нафар АҚШ харбийси борлигини ва улар инсонпарварлик қўқлари келтирилишини назорат қилиб турганликларини эътироф этди.

**ОТИШМА ТЎХТАШИ КЕРАК**

АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл кунлик Исроил ҳамда Фаластин маъмурияти ўртасида бошланган хатарли вазиятни таҳлил этар экан, у тез орада Исроил Фаластин ҳудудларидан ўз танкларини олиб чиқиб кетмаслигини талаб қилди.

**МАЗҲАБЛАР ТЎҚНАШУВИ**

Шимолий Ирландия пойтахти Белфаст шаҳрида католик ҳамда протестант мазҳаблари ўртасидаги эъдиётлар кескинлашуви оқибатида қалтис вазият вужудга келди. Натижада 24 ёшли йигит қурбон бўлди ва икки нафар қизалоқ жиддий жароҳатлар олди. Уларнинг бундай аҳволга тушишига йўлга қўйилган қўлбола бомбанинг портлаши сабаб бўлди. Протестантлар ва католиклар ўртасидаги галаблар кейинроқ шаҳарнинг бошқа ҳудудларига ҳам ёйилди. Полициячиларнинг маълумотларига қараганда, ушбу тўқнашуларда Ирландияни бирлаштириш тарафдори бўлган 100 нафар католик ҳамда Шимолий Ирландияда Британия бошқарувини ёқлаб чиққан 50 нафар протестант мазҳабига мансуб кишилар иштирок этганлар.

**ГЕНЕРАЛ ҚЎЛ КЎТАРДИ**

Югославия армиясининг собик зобити унчанча харбий журнал этолмайдиган йўл танади. У 1991 йилда Хорватиянинг Дубровник портини камал қилишда харбий жиноятларга қўл урганликда айбланган эди. Ушунда камиде 43 нафар киши ўлдирилган ва 563 та иморат вайрон қилинган эди. Кейинги пайтларда генералнинг вилдони қийналган бўлса керак, у ўз хоҳиши билан Гаага харбий трибуналига таслим бўлди.

**КУТИЛМАГАНДА ТУНАБ КЕТИЛДИ**

Россиянинг қизлардан иборат волейбол жамоаси Подмосковье мусобакаларида қатнашганидан сўнг Одиново шаҳарчасидаги «Искра» спорт мажмуаси хоналарига жойлашган эди. Лекин, улар томошага чиқишганда пойлаб турган ўғирлар ўз мақсадларига эришдилар. Волейболчи қизлар ўзларининг бор бўлган жудо бўлдилар. Шундан сўнг жамоа мураббийси М.Омельченко милицияга мурожаат қилди. Унинг гапларига қараганда, номаълум кишилар унинг машинаси ойналарини синдириб, волейболчи қизларнинг йиғирма учта чет элга чиқадиган паспортларини ҳамда уларнинг авиа чипталарини олиб кетганлар. Шунингдек, машинада бўлган 1100 миқдордаги доллар ҳам гойиб бўлган. Мазкур ўғирлик юзасидан жиноий иш қўзғатилди.

**ЯНГИ УСЛУБ СИНОВДАН ЎТДИ**

Замонавий тиббиётда юкори погоналарга бир гуруҳдаги қон таркибининг иккинчи гуруҳдаги қонга асло тўғри келмаслиги тўғрисида гап бормоқда эди. Лекин, швед табиётчиларининг янги кашфиёти ҳаммаи лол қолдириди. Улар бошқа гуруҳдаги қоннинг ўзга гуруҳдаги қонга мос тушиши мумкинлигини исботладилар. Бу услубни улар 20 ёшли аёл муолажасида синаб кўрдилар. Хаста аёлга втасининг иккинчи гуруҳга мансуб қон қуйилганда ижобий натижага эришилди. Касалманд аёл ҳозирча ўзини яхши ҳис қилмоқда.

«Интернет» ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида **Р. УМАРОВ** тайёрлади.

